DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-43 Pages: 394-406

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



THE ARABIC LANGUAGE AND ITS DIALECTS

Toxir M. Voxidov
Lecturer at Tashkent University of Social Innovation
Email: voxidovtoxir76@gmail.com
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: Arabian Peninsula, Arabic literary language, Eastern and Western dialects, ancient and modern dialects, Arabic and non-Arabic linguistics studies, historical stages and factors in the study of dialects.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: This article analyzes the history of studying the Arabic language and its dialects, linguistic research, and the relevance of dialects in the modern world. It examines the differences between dialects in terms of lexicon, semantics, grammar, and pronunciation. Additionally, the role of Arabic dialects in society, their use in formal and informal communication, is discussed. The article provides information on the process of dialect formation, the factors influencing their development, and their periodization.

АРАБ ТИЛИ ВА УНИНГ ЛАҲЖАЛАРИ

Тохир М. Вохидов
Тошкент ижтимоий инновация университети катта ўқитувчиси
Email: voxidovtoxir76@gmail.com
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Араб жазираси, араб адабий тили, шарқий ва ғарбий лаҳжалар, қадимий ва замонавий лахжалар, араб ва ажам тилшунослиги тадқийқотлари, лаҳжаларни ўрганилишдаги даврий босқичлар ва омиллар.

Аннотация: Ушбу мақолада араб тили ва унинг лаҳжаларини ўрганиш тарихи, тилшунос олимларнинг бу борада олиб борган тадқиқотлари ҳамда лаҳжаларнинг бугунги кундаги аҳамияти таҳлил қилинади. Лаҳжаларнинг лексик, семантик, грамматик ва талаффуз жиҳатидан фарқлари кўриб чиқилади. Шунингдек, араб тили лаҳжаларининг долзарблиги, жамиятнинг турли қатламлари ва омма орасида расмий бўлмаган мулоқот воситаси сифатидаги роли муҳокама қилинади. Лаҳжаларнинг шаклланиш жараёни, уларга таъсир қилувчи омиллар ва даврий

босқичларга бўлиниши ҳақида маълумотлар келтирилади.

АРАБСКИЙ ЯЗЫК И ЕГО ДИАЛЕКТЫ

Тохир М. Вохидов
Старший преподаватель Ташкентского университета социальных инноваций
Email: voxidovtoxir76@gmail.com
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Аравийский полуостров, арабский литературный язык, восточные и западные диалекты, древние и современные диалекты, исследования арабской и неарабской лингвистики, исторические этапы и факторы в изучении диалектов.

Аннотация: Данная статья анализирует историю изучения арабского языка и его диалектов, лингвистические исследования и актуальность диалектов в современном мире. Рассматриваются различия между диалектами с точки зрения лексики, семантики, грамматики и произношения. Также обсуждается роль арабских диалектов в обществе, их использование в формальном и неформальном общении. В статье представлена информация о процессе формирования диалектов, факторах, влияющих на их развитие, а также об их периодизации.

Кириш. Тил – бу барча жамиятларнинг овоз ва ёзув орқали ўзлигини ифода этиш усулидир. Табийки бу жараён миллатлар ва жамиятлар орасида бир-биридан кескин фарқ қилади. Гап араб тили ва унинг лаҳжалари ҳақида борар экан бу мавзу уммон қадар чексиз десак асло муболаға бўлмайди. Араб тили ҳам дунё тарихидаги энг қадимий тиллардан бири ҳисобланади. Араб тили Осиё ва Африка қитъасининг бир қанча давлатларда расмий тил сифатида тан олинган бўлиб, савдо-сотиқ, халқоро ижтимоий, маданий ва турли алоқалар ҳамда фан, адабиёт ва бошқа турли соҳаларда кенг қўлланилади. Бугунги кунда кўплаб халқаро ишбилармон доиралари, хатто европаликлар ҳам айнан араб тилини ўрганишга ва у тилда мулоқат қилишга қизиқмоқдалар. Шунинг учун ҳам араб тили лаҳжалари асло ўз долзарблигини йўқотмайди. Чунки араб тили лаҳжалари айнан ушбу тилнинг бир кўриниши бўлиб, асосан араб тилдан келиб чиқган ва маълум шароит ва даврий омилларлар туфайли бир қатор ўзгаришларга учраган.. Араб тили лаҳжалари тарихи ҳам жуда ўзоқдир.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Биз араб тилшунослигининг йирик намоёндаларидан Ибни Жинний (932-1002) , Сибавайҳ (8-аср), Абдулазиз Ал-Мақризи (1364)-1442, Аҳмад бин Фарс (10-аср), Ибни Халдун (1332-1406), Ибни Манзур (1232-1312) ларни, шунингдек замонавий олимлардан Аҳмад Абдулғофур Ат-Таразий, Иброҳим

Аннис, Ҳассон Абдуллоҳ Аш-Шарқовий, Мустафо Ғолайни, Тамом Ҳассон, Муҳаммад Ал-Махзумий ва Али Ал-Жундий кабиларни келтириш мумкин. Бу олимлар турли ҳудудлардаги араб тили лаҳжалари, уларнинг фонетик ва морфологик хусусиятларини, уларнинг ижтимоий, тарийхий ривожланишларини ўрганишган.

Натижалар. Лаҳжаларнинг ўзаро фарқли томонларини қадимги наҳв китобларида келган узундан узоқ баҳслар мисодида ҳам кўриш мумкин. Масалан Тамим қабиласи “كم” предлогини хабария тамйизи деб ундан кейинги отни бирлик формада тушум келишигида қўллайди:

كم دِرهَما أنفَقتَ؟ неччи дирҳам харажат қилдинг?

Айни мазкур предлогни бошқа қабилалар жар предлоги сифатида ундан кейинги отларни қаратқич келишигида қўллайдилар. Лекин гап таркибидаги отни бирлик ёки кўплик формасида келишида ихтиёрли дейдилар. Масалан:

كم درهمٍ (دراهِمَ) انفَقت ؟ كم بيتٍ)بُيُوتٍ (مَلَكتَ؟

Худди шу таркибда Фараздақ “كم” предлогидан кейинги отни бирлик қаратқич келишигида келтириш шарт бўлади дейди. Яъни:

كم عَمَّةٍ لك يا جَريرُ و خالةٍ ؟ [Dr. Ibrahim Anis, 2003, p. 75].

Ёки “حَيثُ” предлогини бадавийлардан Той ва Тамим қабилалари “حُوثُ” шаклида ишлатадилар.[Dr. Ibrahim Anis, 2003, p. 83].

Шунингдек Ҳижозликлардан Банув Салим қабиласи бошқалар "مُنذُ" шаклида ишлатадиган зарф предлогини "مِنذُ" яъни касра шаклида ишлатадилар [Dr. Ibrahim Anis, 2003, p. 83].

Олимлар бу каби турфахил грамматик ёндашувларни ҳам лаҳжаларни турли қўлланилиши билан изоҳлайдилар.

Араб фусҳаси (араб адабий тили) бутун араб жазираси бўйлаб ягона мулоқат тилига айланишидан аввал ҳам араблар бугунгидек майян бир араб лаҳжасида гаплашмас эдилар. Араб жазираси, Ироқ ва Шом диёрида яшовчи қадимий араб қабийлалари ҳам айнан бир луғат, бир лаҳжада сўзлашмаган. Айрим араб лаҳжалари биз билган адабий араб тилдан анча узоқ бўлган. Масалан жанубий қабила тиллари. Шунингдек Ҳимёрийлар тили ҳам айнан уларнинг шевасидир. Бундан ташқари мутаҳассисларнинг фикрича араб жазирасида Маъиний, Самудий ва Лиҳёний лаҳжаларида битилган насслар (қадимий араб матнлари)ни учратиш мумкин. Шунингдек араб жазиросининг шимолида, жанубий Яман ва Ҳижознинг Шабва муҳофазаси қабийлаларида ҳам шу каби кўплаб шева матнларини учратиш мумкин. Тилшунос олимлар араб фусҳаси (адабий тил) ва лаҳжалари мавзусини тариҳан ва географик жиҳатдан шарқий лаҳжалар, ғарбий лаҳжалар каби таърифлар остида талқин қиладилар. Доктор Аҳмад Муҳаммад Зобибнинг " دراسات في لهجات شرقي الجزيرة العربية яъни

“Араб жазирасидаги шарқий лаҳжаларни ўрганиш” асари эътиборимизни тортди. Қуйида мазкур асардан иқтибослар тақдим қиламиз [Ahmad Muhammad Zubayb 1983, p. 33.]

“Дарҳақиқат араб жазираси бир неча асрлар давомида ўта аҳамиятли улкан тижорат минтақаси бўлиб келди. Чунки бу ер шарқ ва ғарб орасини ўзаро боғлаб турадиган муҳим стротегик тижорат йўлида жойлашган. Шунинг учун ҳам бу минтақа аксар халқоро мегополистлар учун муҳим иқтисодий аҳамият касб қилган. Ҳатто кўпгина асарлар минтақа аҳолиси ҳақида эмас, аксинча минтақанинг муҳим стротегик аҳамиятига бағишлаб ёзилган.

Шу билан бир қаторда ушбу араб диёри у ёки бу сабабларга кўра форс, турк, британия ва инглиз каби ажнабийларнинг мустамлакасига нишон бўлган” [Ahmad Muhammad Zubayb, 1983, p. 33.] Муаллиф ушбу асарида араб тили лаҳжаларига геграфик жойлашув нуқтаи назаридан ёндашади. Араб сўзларни грамматик , лексик ва семанткасига ҳам батафсил тўхталади. “ Араб жазирасининг шимолий лаҳжалари:

Араб шибҳи жазирасининг лаҳжалари хоссатан ўрта ер денгизининг соҳил ўлкаларини ҳисобга олмаганимизда- бир неча чегаралар билан чегараланади. Улар қуйидагилардир:

1. Араб жазирасининг шимолий лаҳжаси.

2. Ҳижоз лаҳжаси.

3.Жанубий-ғарбий лаҳжа.

4. Омонликлар лаҳжаси.

Шунингдек Қувайт, Баҳрайн, Қатар ва Шарқий мажмуа соҳиллари араб жазирасининг шимолий лаҳжалари туркумига киради. Одатда араб жазираси шимолий лаҳжалари кенг қамровли бир қатор хусусиятларга эга. Аммо мазкур бирикманинг орасида бошқаларидан фарқланадиган кичик миқдордаги синфлар ҳам мавжуд бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

1. Ироқ Сурия лаҳжаси:

Мазкур лаҳжа Сурия саҳроларига Мавалий, Фазл, Наъийм ва Ҳадидий қабилалари кўчиб келгунга қадар у ерларда яшовчилар тили эди. Ушбу қабийлаларнинг кўпчилиги қўй боқар чўпонлардан иборат бўлган. Мазкур қабийлаларнинг шевалари жанубий Ироқ шевасига катта таъсир ўтказган.

2. Аънзий қабилалари лаҳжаси:

Аънзий бирлашган қабийлалари ва Нажддаги бадавий қабилалар, жанубдан эса то Утайба, Давасир ва Қоҳтон диёрларигача мазкур груҳларга мансубдир. Бугунги Риёз шеваси ҳам айни шу қисмга тегишли ҳисобланади”.

Араб тили лаҳжаларини ўрганиш қуйидаги даврий босқичларга бўлинади:

А. Қадимий давр: Бу даврда араб тили ва унинг лаҳжалари турли қабийлалар орасида шакилланди, ривожланиб борди. Араб қабийлалари орасида кенг тарқалган мулоқат тили, шоир ва адибларнинг ёзишмалари, ҳалқ оғзаки ижоди намуналари каби манбалар бу борада фундаментал омил ҳисобланади.

Б. Замонавий давр: Бу даврда араб тили турли муносабатлар ва араб мамлакатларининг ривожланиб бориши воситасида ривожлааниб борди. Хоссатан хозирги кундаги Миср, Халиж, Магриб ва бошқа бир қатор лаҳжалар шунинг маҳсулидир.

Тилшунос олимлардан д, Иброҳим Анис ўзининг “фий лаҳжатил аъробияти” асарида лаҳжаларнинг шакилланиши борасида қуйидаги фикрларни келтиради [Dr. Ibrahim Anis, 2003, p. 33

Географик жойлашув ва турфаҳил табиятни мавжудлиги.

Маълумки башарият яшаб турган она замин баланд тоғлар, бепоён текисликлар, турфаҳил водийлар, экин ерлари ва қақраган саҳролардан иборат. Одатда халқларнинг географик жиҳатдан ҳар-ҳил жойлашуви у ерларда яшаётган халқларнинг тиллари турфаҳил бўлишини таъминлайди.

Чунки бир тилда гаплашадиган муайян бир жамоа қайсидир ҳудуд бўйлаб тарқалар экан ўз навбатида уларнинг табиятлари ҳам фарқли бўлади албатта. Айни шу омил уларнинг замонлар оша шакилланган ягона мулқот тилини ҳам ҳилма-ҳил лаҳжаларга бўлиниб кетишига олиб келади. Чунки она табият ўз бағрида яшаётган халқларга жисмонан, хулқан ва руҳан ўз таъсирини кўрсатгани каби уларнинг нутқ маданияти ва талаффуз қилиш услубига ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди.

1. Ҳар-ҳил ижтимоий шароитларни вужудга келиши.

Шубҳасиз барча жамоаларнинг ўз қонуниятлари, ўзига хос бўлган турмиш тарзи ва маданияти мавжуд. Бу борада турфаҳил жамоаларни ташкил топиши ёки уларни бир қатламга мансуб бўлишининг аҳамияти бўлмайди. Чунки ҳар бир ҳалқнинг бошқасидан фарқланадиган ўз маданияти, урф-одати ва ўзига ҳос бўлган ананалари мавжуд. Масалан инглиз жамияти америка ва франция жамиятларига ўхшамайди. Ёки италя жамияти ўз турмиш тарзида, умумий ёки хос низомларида араб жамиятларидан кескин фарқланади.

Бирор бир жамият йўққи уларда аристакрат мегополистлар табақаси ёки ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, савдо соҳалари каби турли касб ва соҳа табақалари мавжуд бўлмаса. Ушбу жараённинг ўзи ҳам жамиятда турли тил ва унинг лаҳжалари шакилланишини таминлайди. Хатто маълум бир мутахассисликга доир жамоалар мавжудлигининг ўзиёқ уларнинг ўзларига хос бўлган лаҳжаларни келтириб чиқаради. Демак лаҳжалар жамоавийлик ва имконият нуктаи назаридан доимо ўзгариб туришга маҳкумдир.

2. Лаҳжаларга инсоний омилларнинг таъсири.

Жамиятшунос олимларнинг эътироф қилишларича албатта инсон ўз табияти билан эҳтийж эгасидир. Шунинг учун ҳам унга бошқа бир инсоннинг кўмаги зарур бўлади. Улар ўзаро манфаъатлар кесимида тутшдирлар. Масалан бир инсон диний зиёрат ёки тижорий мақсадда ўз аслий ватанидан бошқа бир жамиятга ўтар экан ўзга жамиядаги бошқа бир инсоннинг кўмагига, қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезади. Ҳар икки томоннинг муштарак эҳтиёжлари бир бирини тушиниб маданий алоқалар ўрнатиш учун ўзаро фарқли луғат ва лаҳжаларда мулоқат қилишга олиб келади. Айни шу омил бир тилни иккинчи тил билан ўзаро алоқага киришиши ва бир биридан таъсирланишини келтириб чиқаради. Оқибатда тилнинг кенгайиши ва ўзаро алоқага киришиш жараёни бир қатор лаҳжаларни пайдо бўлишига олиб келади. Кузатишларга қараганимизда кўпинча маълум бир тилнинг тез суратлар билан ривожланиши, унинг хорижий ўлкаларда кенг тарқалиши ва шу тилда гапирувчилар ададининг кўпайиши билан боғлиқ ҳодисадир. Оқибатда ҳорийжий тил билан таъсирланган мазкур тилнинг ўзи ҳам сезиларли суратда ўзгариб боради. Гоҳида бу жараённинг акси кузатилади. Яъни маҳаллий тил таъсирида қолган хорижий тил бутунлай маҳв бўлиб кетиши ҳам мумкин.

Одатда Греция, Италия каби жамият вакилларини араб жамиятларига келиб араб ибораларини талаффуз қилганига гувоҳ бўлар эканмиз уларни “Муҳаммад” “Аҳмад”каби аслий араб сўзларини нотўғри талаффуз қилишини кўрамиз. Чунки улар араб алифбосидаги нуқтасиз “ҳа” ҳарфини ўз тилидаги қатиқ “ха” ҳарфига алиштириб талаффуз қиладилар, ва ҳоказо, ва ҳоказа.

Уруш ҳолатларида ҳам мағлуб томоннинг тили ғолиб томоннинг тили таъсирида сўниб заъифлик ва махв бўлиш даражасига тушиб қолишлари кузатилади. Мазкур жараёнлар яқин ўтмишдаги Миср қибтий тили устидан ёки қадимги форс империясининг айрим шаҳарларида араб тилини ғолиб бўлиш фўнида ҳам исботланди. Шунингдек Ироқ ва Шомдаги Оромий тили устидан араб мумтоз тили ғолиб келган эди. Чунки кучсиз, заъиф томон ўзидан кучли бўлган томонга тақлид қилиши одатий жараёндир. Жамиятнинг барча жабҳаларида ғолиб томоннинг тили мағлуб томоннинг тилига нисбатан истиъмол ва эътибордаги тил бўлиб қолаверади.

Табийки мазкур башарий омиллар манфаъатлар тўқнашуви, ёки сиёсий ҳукумронликни сақлаб қолиш устига қурилади. Тилларни ташқи таъсирлардан ҳолий равишда узлуксиз ривожланиши ҳеч бир тилда учрамайдиган ҳаёли жараёндир. Аслида бунинг акси бўлади. Чунки муайян бир тилга ўз таъсирини ўтказаётган жараён унга жинсдош тил бўлмаслиги мумкин. Айни шу таъсир тилнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди”.

Араб тили шеваларини ўрганиш манбалари

“ Қадимий ҳамда замонавий араб тили ва унинг лаҳжаларини ўрганиш, тадқиқ қилиш бир неча манбааларга таянади. Мазкур манбаларнинг айримлари замонавий лаҳжаларга хос бўлса айримлари қадимий лаҳжаларга хос, айримлари эса ҳар иккиси учун ҳам муштарак бўлиб улар:

1. Қуръони карим оятлари ва уларнинг қироати.

Табиийкики Қуръони карим араб тили ва унинг қадимий лаҳжалари борасида энг муҳим ва энг ишонарли манба ҳисобланади. Чунки у барча араблар орасида энг фасоҳатли тилда гапирадиган Муҳаммад САВ га очиқ равшвн араб адабий тилида яъни Қурайш ва бошқа бир қатор араб қабийлалари тилида индирилди. Қуръони каримнинг тили бутун минтақа бўйлаб тарқалиб кетган барча араб қабийлаларини ўзининг атрофида бирлаштира олди. Яъни турли лахжаларда сўзлашувчи барча араб қабийлалари ягона бир тил ва бир лаҳжа атрофида бирлашдилар. Тилшунос олимлар Қуръони карим оятлари ва унинг қироатини - барча араб лаҳжлари учун беназир тамсил бўлиб келди - дейдилар. Чунки Қуръони карим оятларини ташувчилар айнан араб жазираси қабийлалари ва шу тилда сўзлашувчи одамлар эди. Шунинг учун ҳам жуда кўп ўринларда Қуръони карим қироати ва лаҳжалар орасида ўхшашликлар кўзатилади. Айрим муҳаддислар пайғамбаримиз Муҳаммад САВнинг:

" إنَّ القرآنَ أُنزِلَ على سَبعَةِ أحرُفٍ فاقرَؤوا منه ما تَيَسَّرَ"

Яъни: “ Албатта Қуръони карим етти ҳарфда нозил қилинди. Шулардан қайси бирига қодир бўлсангиз шунда ўқинглар” деган ҳадисларидаги “етти ҳарф” иборасини “еттита лаҳжа” деб изоҳлаганлар.

Аммо бу дегани тил ва унинг лаҳжаларига ҳар қандай ўзгаришларни киритиш мумкин дегани эмас. Масалан қироъат илми олимлари қироат тўғр и бўлиши учун унда қуйидаги шартлар топилиши зарур деган фикрдалар:

1- Қироат мутавотир даража яъни кўп саҳобалар ўқиб юрган қироат бўлиши керак.

2- Усмон мусҳафига мувофиқ бўлиши керак.

3- Адабий араб тилининг лоақал бирорта жиҳатига мос бўлиши керак. Яъни, араб тилининг турфаҳил лаҳжаларидан бирига мос бўлиши керак.

А. Қадимги араб қабийлаларидан ўтиб келаётган ижод намуналари, шоир ва

адибларнинг илмий тўпламлари, Исломгача ва ундан кейин шакилланган араб адабиёти дурдоналарига ҳамоҳанг бўлиши зарур.

Шубҳасиз қадимги араблар ҳам ўзларидан муайян бир лаҳжага оид манба қолдирмаган. Балки, улардан бизгача етиб келган асарлар айнан бир лаҳжа эмас, кўплаб лаҳжаларга доир экани кузатилади. Улар луғат илми, адабиёт, тиббиёт, табақот , таржима

асарлари ёки географияга оид хилма-ҳил асарлардир. Демак Қуръони карим оятларида кузатилганидек лаҳжаларда ҳам ишлатиладиган сўз ва иборалар мазкур манбаларда кенг қўлланилади. Биз лаҳжаларга бағишлаб ёзилган асарлар сифатида Жоҳизнинг (ҳ-255) “ал-Баён ва ат-Табйин”, “ал-Буҳолау” асарларини, Ҳамазонийнинг (ҳ-334) “Сифату жазироти ал-аъроби” асарини, Макдисийнинг (ҳ-375) “Аҳсану ат-Тақосийм фий маърифати ал-ақолийм” асарини, ибни Холдуннинг эса (ҳ-808) “Муқоддима” асарини кўрсатишимиз мумкин.

Шунингдек тил маҳорати ва сўзлашув жараёнларига бағшлаб ёзилган асарларда ҳам лаҳжаларга алоҳида урғу берилади. Масалан Кисоийнинг (ҳ-189) “Ма талаҳуну фийҳи ал-аъммаҳ” асари, ибни Сакитнинг (ҳ-244) “Ислаҳу ал-Мантиқ” асари, ибни Кутайбанинг (ҳ-276) “Адабул Катиб” , Ҳаририйнинг (ҳ-516) “ Дуррату ал-Ғовасй фий Авҳами ал-Ховаси” каби асарларни келтириш мумкин.

1. Қадимий лаҳжаларда акс этган замонавий лаҳжалар.

Бугунги асримиз лаҳжаларни тадқиқ қилиш, ўрганиш биз учун қадимий араб лаҳжаларининг мазмун-моҳиятини очиб беради. Чунки бугунги кунимиздаги кўпгина замонавий лаҳжаларини қадимий лаҳжалар билан муштарак ўзгаришда эканини кузатиш мумкин. Масалан, Ҳижозликлар лаҳжасида ажваф ақсомидаги "قال، باع" каби сулосий феълларнинг исми мафъуллари "مقول، مبِيع" формасида ясалади.

Аммо Тамим қабиласи айни шу мисолда "ى"ҳарфи билан келган ажваф феълларини Ҳижозликлар каби "مَقُول"шаклида ясасада “вав” ҳарфи билан келган ажваф феълларини "مَبِيعٌ" эмас, балки "مَبْيُوعٌ" формасида ишлатадилар. Демак Тамимликларнинг бугунги кундаги лаҳжаларида ҳудди шу истиъмол қўлланилади. Масалан:

" фалончи карздордир - فلان مَدْيُونٌ"

" бу сотилган нарсадир - هذا الشَّيء مَبْيُوعٌ"

Шунга кўра араб шевалари ва адабий тилида лафзан ҳам, маъно жиҳатидан ҳам ўзаро мутаносибликлар мавжуд дея оламиз. Масалан нарҳни тушиб кетишлиги, арзон баҳолаш маъносидаги "وكس" сўзи ёки аёллар кўйлагининг англатувчи абая сўзлари лаҳжада ва адабий тилда ҳам бир ҳил маънони англатади.

2. Шарқшунослар ва умуман ғарб олимларининг асарлари.

Ғариб шарқшунослари томонидан қадимий ва замонавий араб лаҳжаларини ўрганишда - араб тилини илмий асосда ўрганишдек - эзгу ният билан қатор асарлар битилди. Уларнинг айримлари эса араб адабий тилини бутунлай амалиётдан чиқариб ташлаб ўрнига лаҳжаларни жорий қилиш каби ғаразли мақсадларга қаратилган. Жумладан қадимги араб шевалари ҳақида ғарб шарқшунос олими Ташийм Робин “Араб жазираси ғарбидаги араб лаҳжалари” номи остида китоб ёзди. Унинг бу асари доктор Абдул Карим

Мужоҳид томонидан араб тилига таржима қилинди. Ундан олдин айни шу асарни доктор Абдур Роҳман Айюб таржима қилган эди. Ундан ташқари Мигель Асин Паласиос (1871-1944), Луи Гарде (1897-1979), Жорж Макдисий (1920-2002), Жозеф ван Эс (1929-2021), Оливер Леманн каби ғарб олимлари ҳам айни мавзуларда тадқиқотлар олиб бордилар. Улар асосан ислом фалсафаси, ислом фиқҳи ва урф-одатлар асосда тадқиқотлар қилган бўлсада араб диолектикаси ва унинг мантийқий тузилмасига доир тадқийқотлар ҳам олиб борганлар.

Шунингдек замонавий араб тили лаҳжалари ҳақида ҳам кўпгина шарқшунослар асарлар битдилар. Жумладан шарқшунос Жўстоннинг "Араб жазирасининг шарқий шевалари устида изланиш" асари шулар жумласидандир. Уни доктор Аҳмад Муҳаммад Зобиб араб тилига таржима қилди.

3. Араб шарқшунослари томонидан лаҳжалар ҳақида ёзилган асарлар.

Янги асрларда араб тилшунос олимлари томонидан лаҳжалар мавзусига катта эътибор қаратилди. Улар қадимий ва замонавий лаҳжалар мавзусига доир кўплаб илмий асарлар, ўқув қўлланмалари, жуда аҳамиятли дарсликлар ижод қилдилар. Айрим тадқиқотчилар ўзларининг магисторлик, хатто докторлик даражаларини айнан араб тили шевалар устида амалга оширдилар ва оширмоқдалар. Яна бир қисм олимлар хеч қандай илмий даража хосил қилишга қаратилмаган тартибда айни мавзуда залворли асарлар тасниф қилдилар.

4. Замонавий лаҳжалар манбаси сарасига турли ахборот воситаларни ҳам келтириш

мумкин. Ушбу восита араб тили лаҳжаларини ўзлаштиришдаги энг самарали воситалардан биридир. Айниқса бугунги интернет ва медия ривожланган асримизда. Бугунги интернет тизмидан ҳолаган вақтимизда, ҳоҳлаган усулубда ва ҳоҳлаганимизча фойдаланиш имкониятига эгамиз" [Yogyakarta, 1980, p. 56].

Араб тили лаҳжаларини ўрганилиш тарихи борасида доктор Бакр Абдуллоҳ

Бувтаний шундай дейди: [Bakr Abdullah al-Butani, 2013, p. 11].

" Араб тили лаҳжларининг ўрганилиш тарихи асосан икки қисмга яъни жанубий араб лаҳжалари ва шимолий араб лаҳжаларига бўлинади. Мазкур ёндашув ғарб ва араб шарқшунослари орасида машҳур бўлган ёндашувдир. Жанубий араб лаҳжаларининг энг муҳимлари ал-Маъинийя, ас-Сабийя, ал-Ҳазрамийя ва ал-Қотбанийя лаҳжаларидан иборат.

Шимолий араб лаҳжалари эса ал-Баъида ва ал-Бақия араб лаҳжаларидан иборат.

Ал-Баъидаҳ араблари Нуқуш араблари ҳам дейилади. Уларнинг лаҳжаси Ҳижознинг шимолий қисми бўлмиш Оромийлар ҳудудида яшаган араб қабийлалари мажмааси лаҳжаларни ўз ичига олган. Аммо мазкур лаҳжалар Ислом келишидан аввал йўқ бўлиб

кетди. Ула рнинг энг муҳим мулоқот лаҳжалари Самудияҳ, Лиҳянияҳ ва Софавияҳ лаҳжалари эди.

Аммо ал-Бақия лаҳжалари бугунги кунимиздаги араб тили бўлиб улар бизгача қуйидаги шаклда етиб келди:

1- Адабий араб тили шаклида. Бу тилни “муштарак луғат” ҳам дейилади. Чунки бу

лаҳжа шеър, воизларнинг ҳутбалари, зарбул масалллар ва ҳос муносабатлар учун мулоқат тили ҳисобланади.

2- Шаъбияҳ яъни арабларнинг бугунги кенг мулоқат тили бўлиб, одамлар ўз уйлари ва

кундалик ҳаётида, бозорларда, турли ижтимоий муносабатларида, сафарлари давомида ундан фойдаланар эдилар. Мазкур лаҳжаларга доир тизимли қоидалар бизгача етиб келмаган. Аммо уларнинг айрим ҳусусиялари қироат ва луғат китобларида сақланиб қолган. Айни шу нарса қадим арабларда луғат деб юритилсада аслида у бугунги кун таъбирида “лаҳжалар” эди. Эҳтимол “Лисанул Ароб” мажмуасининг муаллифи ибни Манзур ҳам шу нуқаи назардан мазкур лаҳжаларни тил деб номлагандир”.

Дарҳақиқат муаллиф “шаъбия” деб келтирган лаҳжа турини она тилимизда “халқ

тили” десак ҳам бўлади. Чунки у кенг омма ва қабийлаларнинг доимий мулоқат тили бўлган. Муаллиф ўз фикрини давом эттирар экан фусҳа яъни мумтоз араб адабий тили ҳақида шундай дейди:

“У олий намунадаги араб адабий тили бўлиб араб қабийлалари ўртасида тез-тез уюштириладиган маданий-маърифий учрашувлар, мушоира, шерҳонлик мусобақалари ва байрамларида қўлланилар эди. Шунингдек қабилалар ўртасида кечадиган расмий келишувлар, ўзаро ишонч шартномалари, мунозарали баҳслар, воизлар, шоир ва адиблар, коҳинлар, ҳамда қабийла раисларининг мурожатлари, ҳакамларнинг қарорлари ҳам айнан мазкур тилда ижро қилинар эди. Араб адабий тили ўзининг бетакрор жозибаси ва баён услуби билан ақилларни ром қилган. Барча араб қабийлаларини ўзи билан курашга чорлаган Қуръони карим оятлари ҳам айнан шу тилда эди. Мазкур тил Анаъна ва Кашкаша каби лаҳжаларнинг камчиликларидан бутунлай ҳолий бўлган.

Дарҳақиқат Исломдан олдин Маккаи Мукаррамада анжуман ва турли тадбирлар ўтказиш учун муайян вақт ва муносабатлар белгиланиб унда мазкур тил асосий мулоқат воситаси бўлар эди. Ҳатто ушбу адабий тилни араб тили дейилиб ундан айнан Қурайш лаҳжаси тушинилади. Қурайш лаҳжасини тил сифатида ривожланишининг бир неча омиллари мавжуд:

1- Диний омиллар:

Маккаи мукаррама хатто исломдан олдин ҳам барча қабилалар учун муқаддас даргоҳ ҳисобланган Ҳарами шарифни ўз ичига олган эди. Араб қабийлалари -гарчи кўп ҳудолик эътиқодида бўлсаларда- у ерни тавоф қилишга келар, у ердаги санамларга атаб назр ва қурбонликлар қилар эди.

2- Иқтисодий омиллар:

Мака шаҳрининг географик жойлашуви араб жазирасининг маркази бўлиб бу жараён уни барча араб қабийлалари учун муҳим савдо маркази бўлишини таъминлади. Унинг асосий аҳолиси савдогарлар бўлган. Уларнинг қиш ва ёз фасилидаги тижорий саёҳатлари Қуръон оятларида ҳам келтирилди [Safwat al-Tafsir, 2024, p. 225.]

3- Сиёсий афтаритет:

Араб қабилалари орасида қурайшийлар бошқарув элитаси эди. Исломдан олдин ҳам, кейин ҳам Макка зиёрати ва тавофи учун келган барча зиёратчиларга ҳизмат кўрсатиш, уларни бошқариш ишлари тўлиқ улрнинг қўл остида бўлган.

Қурайш лаҳжасининг тил имкониятлари ва бойлиги:

Қурайш лаҳжаси ўзининг сўз бойлиги, жозибадорлиги, таркийбий тузилиши, балоғат ва фасоҳати жиҳатларидан ҳам бошқа лаҳжалардан ажралиб турар эди. Шуниндек у кенг тарқалган турли араб қабийлалари муҳитидан майян бир маҳаллий қабила лаҳжасига қаратилмаган эди. Балки, ўзида лаҳжаларнинг қаймоғини акс этувчи энг яхши ва энг гўзал услубларини ифодалар эди.

Бундан ташқари Қурайш лаҳжаси фақат қурайшийларнинг ўзигагина хос бўлмаган. Масалан фанетик ўзгаришлардан ҳамза товушини ишлатиш қоидаси аслида қурайш лаҳжасида кузатилмасада уларда ҳам кенг қўлланилади. Демак қурайш лаҳжаси бошқа қабийлалардан ҳам маълум бир улушларни олгани ҳолда барча қабийлаларнинг муштарак тили эди".

Муаллиф мазкур фикрларни келтирар экан мавзуни қуйидаги ҳулосалар билан якунлайди:

" Замонавий тилшунос олимлар нуқтаи назарида араб тилининг учта даражаси мавжуд:

А- Фусҳа араб тили:

Фусҳа араб тилнинг энг юқори даражаси бўлиб у шоирлар, ёзувчилар, адиблар ва romманнавислар тили ҳисобланади. Шунингдек Қуръони Каримнинг тили ҳам мазкур тилдадир. "Фусҳа" сўзининг ўзи ҳам "афсаҳ" маъносида бўлиб сўзда юксак маҳорат ва жозибали, равон, хатосиз гапиришга нисбатан ишлатилади. Бу тил мукаммаллиги, баён ва бидийлик ҳамда жанос яъни сўз ўйини каби услублари билан бошқалардан ажралиб туради.

Шунингдек бу тил инсон қалбига таъсир қиладиган юксак ҳис-туйғулар ва эзгу ғояларни ифодаловчи тил бўлиб, нотиқлар мазкур омилдан ўз нутқларида кенг фойдаланадилар.

Б- Фасийҳа араб тили:

Фасийҳа ўрта даражали тил бўлиб, зиёлилар, университет профессорлари, радио ва телевидения, интернет сайтлари, газеталар, илмий асарлар, ҳукумат идоралари, сиёсатчилар ва таълим соҳаларида қўлланилади. Ушбу тил содда ва тушинарли бўлиб грамматик қоидаларга маълум бир даражада амал қилади. Ушбу омил уни барча арабзабонлар учун тушунарли қилиб, айни пайтда маҳаллий шевалар даражасига тушиб қолишдан сақлайди. Бу тил миллий ва диний аҳамиятга эга бўлиб, уни “уммий” тил деб ҳам номлайдилар.

В- Маҳаллий араб тили:

Бу тил араб дунёсининг турли ҳудудларда кенг ишлатиладиган маҳалий шеваларни ўз ичига олади. Ҳар бир ҳудуднинг ўз шеваси бўлиб уларни ягона қоидалар асосида тизимлаштириш имконсиздир. Маҳаллий шевалар грамматик қоидаларга қатъй амал қилмайди ва кенг тарқалган. Аммо улар араб дунёсидаги бошқа ҳудудлар билан мулоқат қилишда тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари кейинги пайтларда оммовий ахборот воситалари, телевидения ва интернет сайтлари орқали лаҳжалар кенг тарғиб қилинганлиги сабабли, улар фусҳа тилига рақобатчи сифатида намон бўлмоқда”.

Хулоса. Хулоса қилиб айтамизки, араб тили ва унинг лаҳжалари ҳеч бир замонда ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шунингдек араб тили ва унинг лаҳжаларини бошқа тиллардан ажратиб турадиган асосий омил, бу тилнинг бевосита ислом дини манбаси эканидир. Лаҳжаларнинг ифодаланиш принциплари нафақат араб мумтоз адабиётда, балки Қуръони Карим оятлари ва Ҳадиси Шарифларда ҳам назардан четда қолмаган. Араб тили лаҳжаларини ўрганиш, тадқиқ қилиш масаласи бугун кўтарилган янги мавзу эмас албатта. Умуман олганда араб тили лаҳжалари ва қабийлалари мавзуси оҳири йўқ даражада катта бўлгани сабабли тилшунос олимлар бу мавзуни географик ҳудудлар ва замонлар кесимида тадқиқ қиладилар. Шу боис бизнинг бу арзимас уринишимиз араб тили лаҳжаларни ўрганиш масаласини тўлиқ қамраб олади деган даъводан йироқмиз. Ҳатто айрим лаҳжаларни тадқиқ қилганингизда бу араб тили эмаску деган ҳаёлларга ҳам борасиз. Масалан "لا يُمكنُ" деган сўз Уман Султонлигида " ما يَصير "Баҳрайнда эса, "لايُمكن" БААда эса " لايَسوِي "деб ишлатилади. Ёки араб тилидаги قريب" "сўзи Қувайтда "جريب" дейилса, Саудия арабистонида "هنيه" деб юритилади. [Speak Gulf, 2024 , p. 9]. Мазкур ўзгаришлар, лаҳжалар ўртасидаги фарқли томонларнинг тизимли-яҳлит грамматик қоидаси кашф қилинмаган. Бундан ташқари Ҳижоз лаҳжаси, Омонликлар лаҳжаси ва Жанубий-ғарбий лаҳжалар каби

лаҳжалардан ташқари яна маҳаллий этник қабийлаларнинг ҳам ўзига хос бўлган шевалари, мулоқот тиллари мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ibrahim Anis. (2003) In Arabic dialects. Fi al-Lahjat al-‘Arabiyya. – Cairo: Egypt, Wahba Hassoun Sons. – 290 p. (in Arabic)
2. Qasim Awad al-Qaffas. (2019) Al-Salam. Takallam al-Khaliji. – State of Kuwait. – 96 p. (in Arabic)
3. Bakr Abdullah al-Butani. (2011) Understanding the Arabic Language. Fiqhu al-lugati al arabiyyati. – Iraq: Bartella. – 40 p. (in Arabic)
4. Ahmad Muhammad Zubayb. (1983). Studies in the Dialects of Eastern Arabia. Dirosatun fi lahjati sharqiy al-jaziroti al-arobiyyati. – Beirut, Lebanon: Dar Al-Arabiyya for Encyclopedias. – 365 p. (in Arabic)
5. Muhammad Ali al-Sabuni. (2004). Safwat al-Tafsir. – Beirut, Lebanon. Dar Ihya’ al-Turath al-Arabi. – 567 p. (in Arabic)
6. An-Na'im. Arabic-Uzbek Dictionary. (2003) – Tashkent. – 959 p. (in Uzbek)